

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Г.Юсупова	
Ўзбекистон халқ хўжалигида Фарғона иқтисодий районининг ўрни (XX асрнинг 50-70 йиллари мисолида)	162
Д.Юлдашева, Н.Набиева	
Энахон Сиддиқованинг “Ватанга бахшида умр” хужжатли лиро-эпик қиссасида замонамиз қаҳрамони масаласи	165
И.Жўраев	
Бадиий адабиётда ижтимоий-маиший муаммолар ифодаси.....	168
О.Холматов	
Э.М.Ремарк романларида уруш ва инсон талқини	171
С.Хақназарова	
Абдулла Шер асарларида миллий менталитет ва маҳаллий колорит ифодаси	175
А.Мамажонов	
Мазмуни умумлашган қўшма гаплар.....	178
Н.Қўлдашев	
Экологик лингвистика фанлараро илм-фан сифатида: манба ва динамика	181
М.Ғофурова	
Нутқнинг лингвомаданий жиҳатдан бўёқланганлиги ва уни белгиловчи омиллар	185
У.Буриева	
Функционал дискурс таҳлили муаммолари	189
Д.Ҳакимова	
Нутқий мулоқотнинг гендерологик фарқланиш масалаларига оид	192
Ҳ.Сотволдиева	
Мақол ва маталлар олами идрок этиш миллий хусусиятларининг инъикоси сифатида	195
М.Мамажонов	
Аллюзив антропонимлар ва уларнинг бадиий матнда қўлланилиши.....	198
Ш.Имомназарова	
Ўлан ва лапар жанрларининг ўзаро муштарак ҳамда фарқли хусусиятлари	200
Ф.Анварова	
Синонимларнинг тилда қўлланилиши	204
М.Ҳайитова, М.Мирзаахмедов	
Боғча болалари ўртасида инглиз тилини ўқитишни такомиллаштиришнинг баъзи педагогик асослари	207

УДК: 631+33+338

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИНИНГ ЎРНИ
(XX АСРНИНГ 50-70 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)МЕСТО ФЕРГАНСКОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЙОНА В НАРОДНОМ ХОЗЯЙСТВЕ
УЗБЕКИСТАНА
(НА ПРИМЕРЕ 50-70-Х ГОДОВ XX ВЕКА)THE PLACE OF FERGHANA ECONOMIC REGION IN NATIONAL ECONOMY OF
UZBEKISTAN
(ON THE EXAMPLE OF 50-70SS OF THE XX CENTURY)

Г.Юсупова

Аннотация

Мақолада Иккинчи жаҳон урушидан сўнге собиқ иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий жиҳатдан бир-бири билан боғлаб қўйилган шароитида, Ўзбекистон халқ хўжалигида Фарғона минтақасининг ўрни ёритилган. Шунингдек, Фарғона водийсининг мамлакат иқтисодий ҳаётидаги ўрни, унинг қишлоқ хўжалиги, енгил саноати, табиий бойликлари, хусусан, пахтачилик ва пиллачилик каби тармоқлари фаолияти тадқиқ қилинган. Фарғона иқтисодий районининг тузилиши ва унинг мамлакат халқ хўжалигидаги ўрни илмий адабиётлар ва архив маълумотлари асосида ўрганилган.

Аннотация

В статье раскрывается место Ферганского региона в народном хозяйстве Узбекистана в условиях экономической зависимости бывших союзных республик в период после Второй мировой войны. Исследовано место Ферганской долины в экономической жизни страны, деятельность сельского хозяйства, легкой промышленности, в частности, таких отраслей, как хлопководство, шелководство, а также значение природных богатств региона. На основе научной литературы и архивных данных изучена структура Ферганского экономического района и его место в народном хозяйстве страны.

Annotation

The article presents the information on the place of Ferghana region in the national economy of Uzbekistan in the conditions of economic dependence of the former soviet republics after the II World War. The role of Ferghana region in the economic life of the country, agriculture, industry, in particular, cotton growing, silkworm breeding, along with the importance of the natural resources of the region. The structure of Ferghana economic region have been analyzed on the bases of the scientific literature and archival data.

Таянч сўз ва иборалар: иқтисодий район, ҳудуд, қишлоқ хўжалиги, саноат, корхона, завод, табиий бойликлар.

Ключевые слова и выражения: экономический район, территория, сельское хозяйство, промышленность, предприятие, завод, природные богатства.

Keywords and expressions: economic region, territory, agriculture, industry, enterprise, plant, natural resources.

Совет ҳокимияти иккинчи жаҳон уруши тугаши билан халқ хўжалигидаги бошқарув сиёсатини янада мустақамлашга интилган. Мамлакат халқ хўжалиги ўрнатилган тартибга кўра, иқтисодий районларга бўлиниб, сиёсий-маъмурий жиҳатдан бир-бири билан боғланган ҳолда бошқарган. СССР ҳудудидаги ҳар бир иқтисодий район умумиттифоқ меҳнат тақсимотида, умумдавлат хўжалигида ўзининг ихтисослашган вазифасини бажарган. Мамлакат халқ хўжалигининг муайян ҳудудий қисми «иқтисодий район» деб аталган. Ушбу минтақа мамлакатнинг бошқа ҳудудларга нисбатан ўзининг

ихтисослаштирилган ишлаб чиқариши билан фарқ қилган. Ҳар бир «иқтисодий район» мамлакат халқ хўжалигига ўз ҳиссасини қўшиб борган.

Дастлаб иттифоқҳудуди 13 та, кейинроқ, 1960 йилдан 16 та иқтисодий районга бўлинди. Шунингдек, 1961 йилда кўпгина ерларнинг ўзлаштирилиши, саноат корхоналарининг қурилиши натижасида, мамлакатда иқтисодий районлар сони 17 тага айланди. Ушбу кўрсаткич 1963 йилда 18 тага етказилди.

Иқтисодий районларнинг 10 таси РСФСРда, 3 таси Украинада ташкил этилган эди. Ҳамда Белоруссия ва Қозоғистонда 1 дан иқтисодий район барпо

Г.Юсупова – ЎзМУ мустақил изланувчиси.

қилинган эди. Кавказ орти иқтисодий райони, Болтиқ бўйи, Ўрта Осиёда эса, бир нечта республикалар бирлаштирилиб 1 та иқтисодий район ташкил этилди[1]. Ўз навбатида, Ўрта Осиё иқтисодий районларининг асосийларидан бири ҳисобланган. Ушбу иқтисодий районда Ўзбекистон ўзининг табиий шароити, хилма-хил қишлоқ хўжалиги тармоқларига эга, кенг майдонни эгаллаган водийлари, жазирама қум саҳролари, ер ости бойликлари билан алоҳида аҳамият касб этган. ЎзССР 1960 йилларда аҳоли сони бўйича иттифоқда РСФСР, Украина, Қозоғистондан кейин тўртинчи ўринда турган. Лекин, Ўрта Осиё иқтисодий райони таркибида биринчи ўринни эгаллаган эди.

Ўрта Осиё иқтисодий районининг асосий минтақаларидан бўлган Ўзбекистоннинг ҳам ўзи ҳам ихтисослашувга кўра 6 та ҳудудга бўлинган. Улар Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қарши, Бухоро-Қизиқум (таркибига Бухоро ҳамда янги тузилган Навоий вилояти кирган), Қўйи Амударё ва Сурхондарё иқтисодий районлари эди[2,72].

Улар орасида эса, Фарғона иқтисодий райони ўз салоҳияти билан муҳим ўрин тутган. Фарғона иқтисодий райони хилма-хил табиий бойликлари, айниқса, фойдали қизилмаларнинг кўплиги билан бошқа ҳудудлардан ажралиб турган. Бу ерда нефть, олтингургурт, озокерит, вольрам, мис, қўрғошин, молибден, олтин, марганец ва бошқа қатор фойдали қизилмаларнинг конлари топилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги нафақат республика, қолаверса бутуниттифоқ бўйича аҳамиятга эга эди.

Шунингдек, Фарғона иқтисодий райони уч муҳим тармоқ – пахтачилик, пиллачилик ва мевачилиги билан ҳам ажралиб турар эди. Жумладан, республикада териб олинадиган пахтанинг 35 фоиздан ортиқроғини, пилланинг 56 фоиздан зиёдини етиштириб берар эди. Пилла ва пахта етиштириш бўйича, шунингдек, енгил саноат маҳсулотлари тайёрлашда етакчи иқтисодий район ҳисобланган. Жумладан, Фарғона иқтисодий райони 1960-1970 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экиш бўйича ҳам республикада юқори ўринда қайд этилган (22,9 фоиз) [3,73]. Республикада 1970 йилларда етиштирилган сабзавот

маҳсулотларининг 2 фоизи Фарғона вилоятига тўғри келган.

Фарғона иқтисодий районида боғдорчилик, узумчилик хўжалиги ривожланган бўлса-да, ҳудуд асосан пахтачиликка ихтисослаштирилган эди. Айни дамда республика бўйича ўзлаштирилган майдонларнинг 80 фоизи ушбу ҳудудга тегишли эди.

Фарғона иқтисодий районида 1950 йилларда тайёрланган саноат маҳсулотларининг 95 фоизга яқинини пахта тозалаш ва ёғ заводларининг маҳсулоти ташкил қилган [4,31]. Ҳудудда 6 та йирик ёғ заводи мавжуд эди. Ушбу корхоналар томонидан 1983 йилда 135,2 минг тонна ўсимлик мойи ишлаб чиқарилган. Ушбу кўрсаткич республика ишлаб чиқаришининг 36,1 фоизини ташкил қилган [5,19].

Фарғона иқтисодий райони (Фарғона, Андижон, Наманган) ҳудуди 19,2 минг. кв. км.ни ташкил этган. Мазкур ҳудудда 1988 йилларда аҳолиси сони 5.053 минг нафар кишига етган[6,143-145].

1960-1970 йилларда Фарғона водийсида Ўзбекистонда етиштирилган пилланинг 64 фоизи тайёрланган. Шойи газламаларнинг эса, 45 фоизи ишлаб чиқарилган [7,33]. Фарғона, Қўқон, Қува, Тошлоқ, Яйпан шаҳарларида пахта тозалаш заводлари мамлакат манфаатлари учун хомашё етказиб берган. Наманганда тайёрланган пахта толаси эса, хорижга, хусусан Болгария, Польша, Куба, Чехословакия, Англия, Япония каби мамлакатларга ҳам юборилган. Шунингдек, Фарғона иқтисодий районида Наманган шойи ва костюмбоп газламалар комбинати, Андижон трикотаж фабрикаси, дағал ва сунъий чарм ишлаб чиқарувчи «Ўзбекистон» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Фарғона ҳамда Қўқон оёқ кийим фабрикаси, Фарғона шойи тўқиш фабрикалари муҳим ўрин тутган. Саноат тармоғида эса, Андижондаги сув чиқарадиган насослар ва дизеллар ишлаб чиқарувчи «Строммашина», йирик таъмирлаш ишларини бажарувчи «Коммунар», «Автотракторремонт» трестининг мотор-таъмир, эҳтиёт қисмлари тайёрлайдиган ҳамда нефть, тўқимачилик, пиллани қайта ишловчи саноатнинг асосий асбоб-ускунларини қайта тиклайдиган таъмирлаш механика заводлари, жамоа хўжаликлари

ишлаб чиқаришининг эҳтиёжларига хизмат қилувчи МТСларнинг таъмирлаш-механика устахоналари алоҳида аҳамият касб этган. Аини пайтда ушбу корхоналар атроф-муҳитга зарар келтирадиган корхоналар қаторида ҳам турган. Масалан, Қувасой цемент комбинати, Қўқон цилика ғишт ва янги кимё заводлари шулар жумласидан эди [8]. Фарғона иқтисодий районида 1950-йилларнинг охирига келиб 15 баробарга кўпайди. Ушбу ҳудудда 346 та йирик саноат корхоналари барпо этилди [9,33].

Ушбу иқтисодий районда йирик кимё саноати вужудга келтирилди. Ҳудуднинг Ўзбекистон кимё саноатининг ялпи маҳсулотига тутган салмоғи 22 фоизни ташкил этган. Шунингдек, минтақада минерал ўғитлар ишлаб чиқариш алоҳида ўрин тутган. Жумладан, Қўқон суперфосфат заводи республикада ишлаб чиқариладиган минерал ўғитларнинг қарийиб ярмини берган [10,65]. Ҳудудда яна иккита гидролиз заводлари - Андижон ва Фарғона

шаҳарларида мавжуд эди. Шунингдек, 1969 йилда ишга туширилган Фарғона кимёвий толалар заводи республикада иқтисослашган илк корхона бўлган. Фарғона иқтисодий райони 1980 йилларга келиб республикада ипак ва минерал ўғит ишлаб чиқаришга алоҳида иқтисослаштирилди [11,64].

Умуман, совет ҳокимиятининг иқтисодий режалаштириш сиёсати асосида ҳудудларни иқтисослаштириш орқали бошқариш билан минтақаларни бир-бирига боғлади. Режалаштирилган йўл-йўриқлар одатдагидек сунъий жадаллаштиришга асосланди. Иқтисодий соҳада кўпроқ пахтага бўлган эҳтиёжини таъминлашдек бошқарувга амал қилинди. Шунингдек, амалда марказлаштирилган режалаштириш, ишлаб чиқариш ва тақсимот халқнинг ташаббускорлиги ва моддий манфаатдорлигини бўғиб қўйди.

Адабиётлар:

1. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70-80 йиллар мисолида). – Т.: Шарқ, 1999.
2. Совершенствование структуры народного хозяйства Узбекской ССР. – Т.: Фан, 1987.
3. Бедринцев К.Н. Ўзбекистон ва унинг иқтисодий районлари. – Т.: Қизил Ўзбекистон, 1957.
4. Султонов Н. Фарғона иқтисодий райони саноатининг ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 1985.
5. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году.
6. Ўзбек совет энциклопедияси. 12 жилд. – Т.: ЎСЭ, 1979.
7. ЎЗМДА. Ф-2454, рўйхат - , 6281-йиғма жилд, 281-варақ.
8. Бедринцев К.Н. Ўзбекистон ва унинг иқтисодий районлари. – Т.: Қизил Ўзбекистон, 1957. – 33 бет.
9. Фарғона области. – Т.: Ўзбекистон, 1974.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)